



## ГУВОҲНИНГ БИЛА ТУРИБ ЁЛҒОН КЎРСАТУВ БЕРИШИ САБАБЛАРИ

**Абдуллаев Акмалжон Йўлчибоевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси  
Тергов фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164364>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

Гувоҳ, сабаб, била туриб, ёлғон кўрсатув.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада гувоҳлар томонидан била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг асосий сабаблари илмий манбаларга асосланган ҳолда таҳлил қилинган ва гуруҳга мансублигига қараб таснифланган. Гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув бериши сабабларини аниқлашнинг ушбу турдаги жиноятларни фош этиш ва тергов қилишдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган.*

Гувоҳнинг кўрсатувлари ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилишдаги асосий далил манбаларидан биридир. Гувоҳнинг кўрсатувларисиз фош этилган жиноят ишларини учратиш мушкул. Гувоҳ жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган, кўрсатув бериш учун таклиф қилинган жиноят процессининг иштирокчиси ҳисобланади [1].

Гувоҳнинг процессуал мақоми унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан бир қаторда, у томонидан мажбуриятларини бажармаганлик ёки бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилганлигини ҳам ўз ичига олади. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасида суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув берганлиги учун жавобгарлик кўзда тутилган. Чунки ёлғон маълумотлар жиноят ишида ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилади. Бу эса А.И. Тошпўлатовни таъбири билан айтганда, суд муҳокамасининг чўзилишига, қўшимча гувоҳлар чақирилишига, қайта экспертиза тайинланишига, жиноят ишининг қўшимча терговга қайтарилишига, айбдорнинг оқланишига, айбсиз шахснинг жазога ҳукм қилинишига ҳамда ишни бошқача тарзда ноҳолисона ҳал этилишига олиб келади [2].

Амалиёт таҳлилларига кўра, гувоҳнинг қасддан ёлғон кўрсатув беришини асосий мақсади жиноят иши бўйича ҳақиқатни бузиб кўрсатиш орқали суриштирувчи ёки терговчини тўғри йўлдан оздириш ва нотўғри тергов йўлига йўналтиришдан иборатдир. Зеро, "била туриб" сўзининг моҳияти гувоҳ тергов органига ёлғон маълумот бераётганини олдиндан англаб етишини англатади. Шунини таъкидлаш жоизки, гувоҳ ҳар доим ҳам ва ҳар қандай вазиятда ёлғон кўрсатув беравермайди. Аксарият ҳолларда, гувоҳ дастлабки кўрсатувида иш учун муҳим исботланиши лозим бўлган ҳолатларга оид маълумотларни бериб ўтади. Бироқ, кейинчалик



кўрсатувларини била туриб ёлгон маълумотларга ўзгартиради. Гувоҳнинг бундай йўл тутишига бир қанча омиллар сабаб бўлиши мумкин. Гувоҳ айнан нима сабабдан била туриб ёлгон кўрсатув бераётганлигини аниқламасдан туриб ушбу турдаги жиноятларни тез ва тўла фoш этиш имконсиз саналади.

Шу нуқтаи назардан гувоҳларнинг била туриб ёлгон кўрсатув беришга ундовчи сабабларни таҳлил қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, сабабсиз оқибат юзага келмайди. Ҳодисалар занжирида ўзидан бошқа яна бир ҳодисани келтириб чиқарадигани сабаб, пайдо бўлган ҳодиса эса оқибат дейилади [3].

Гувоҳнинг ёлгон кўрсатув беришини сабаблари жуда хилма-хил бўлиб, бир қатор субъектив ва объектив омилларга боғлиқ бўлади. Сабаб - бу шахсни бирон-бир ҳаракатга, шу жумладан ноқонуний хатти-ҳаракат содир қилишга ундайдиган ички ҳиссий ундов саналади [4].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “сабаб” сўзи “бирор иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юзага келишида, содир бўлишида омил бўлган бошқа бир воқеа, ҳодиса” каби маъноларда тушунилиши қайд этилган [5].

Бир қатор олимларнинг [6,7,8] фикрига кўра, гувоҳларнинг била туриб ёлгон кўрсатув беришининг асосий сабаблари қуйидагилар:

- гувоҳнинг гумон қилинувчи ёки айбланувчидан моддий ёки бошқа фойда олиш имконияти ва истаги;
- гумон қилинувчи ёки айбланувчи ёки бошқа шахслар томонидан қасос олинишдан қўрқиш;
- гумон қилинувчи ёки айбланувчига қасос, ҳасад ёки бошқа сабабларга кўра оғирроқ жазо тайинланишини ҳоҳлаш истаги;
- гувоҳ оммага эълон қилинишидан қўрқадиган ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини яшириш истаги;
- гумон қилинувчи ёки айбланувчини қариндошлик, яқин муносабатлар ёки бошқа сабаблар туфайли ҳимоя қилиш истаги;
- гувоҳ сифатида қатнашишни умуман истамаслик;
- жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан муносабатлари бузилишидан қўрқиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончсизлик ёки салбий муносабат. Бир қатор олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда гувоҳларнинг ёлгон кўрсатувлари сабабларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

Биринчи гуруҳ бу- ғаразли ва паст ниятларда бўлиб, бизнинг фикримизча, бу гуруҳга гувоҳнинг гумон қилинувчи ёки айбланувчидан моддий ёки бошқа манфаатлар олиш нияти, шунингдек, қасос олиш ёки бошқа сабабларга кўра гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан оғирроқ жазо тайинланишини ҳоҳлаш истаги киради.

Маълум бир моддий манфаат кўриш ёки хизмат кўрсатиш эвазига атайлаб ёлгон кўрсатув бериш мисол бўла олади. Шунини таъкидлаш керакки, ғаразли ва паст ниятлар ҳар доим ҳам моддий асосга эга эмас. Чунки, қасос ҳам ўз моҳиятига кўра, ғаразли ва паст ният деб баҳоланади. Бу орқали ёлгон гувоҳлик берган шахс ўзи учун руҳий озуқа олади ва ғурурини қондиради. Ғаразли ва паст ниятларга, шунингдек, гумон



қилинувчи ёки айбланувчини қариндошлик, ўзаро яқин муносабатлар ва ҳоказолар туфайли ҳимоя қилиш истаги ҳам киради. Бунда улар билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш мақсад қилинади.

Иккинчи гуруҳ бу- қўрқув билан боғлиқ сабаблар бўлиб, ушбу сабаблар гумон қилинувчи ёки айбланувчи ёхуд бошқа шахслар томонидан қасос олиши мумкинлиги ҳақидаги қўрқувни ўз ичига олади. Бундай ҳолда, гувоҳ ҳақиқий ёки уйдирма таҳдид остида тўлиқ ҳақиқатни айтмайди ёки атайлаб ёлғон маълумот беради. Бу гуруҳга, шунингдек, гувоҳнинг ўзини хавф остига қўядиган ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилинишдан қўрқиш ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан муносабатларини бузиш қўрқуви ҳам киради;

Учинчи гуруҳга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро муносабатда бўлишни истамаслиги билан боғлиқ сабаблар киради. Бу сабабларга фуқаронинг умуман гувоҳ сифатида қатнашишни истамаслиги, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончсизлик ёки салбий муносабати киради. Бундан тоифадаги гувоҳлар қаторига асосан илгари судланган ёки ички ишлар органларида рўйхатга олинган шахслар киради. Аксарият ҳолларда, қариндошлари ёки ўзи яқин алоқада бўлган шахслар судланган ёхуд муқаддам ўзи гувоҳ сифатида иштирок этган иш доирасида тезкор вакиллар, суриштирувчи ёки терговчиларнинг қўпол муомаласига дучор бўлган гувоҳлар ҳам ёлғон кўрсатув бериши мумкин [9].

О.Г. Карнаухова гувоҳларнинг ёлғон кўрсатувлари сабаблари қаторига рад қилишни алоҳида тарзда киритади. Уни фикрига кўра, рад қилиш сабаби шахснинг умум эътироф этилган хулқ-атворнинг ҳеч қандай ахлоқий ва ижтимоий нормаларини қабул қилмаслиги натижасида юзага келади. Терговга очикдан-очик тўсқинлик қилиш, ўз жазосизлигига ишониш ушбу сабабларнинг асосидир. Суд-тергов амалиётида учрайдиган бундай сабабларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан салбий муносабат;
- гувоҳнинг мажбуриятларига салбий муносабат;
- ёлғоннинг фош бўлмаслиги ва ёлғон гувоҳлик бериш жазосиз қолиши;
- ёлғонни оддий ҳаракат сифатида қабул қилиш ва ёлғон гувоҳлик беришни мақбул деб баҳолаш [10].

Биз О.Г. Карнаухова томонидан билдирилган таклифни асосли деб ҳисоблаймиз ва ушбу қарашни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, жамиятимизда ўзгалардан моддий манфаат кўриш эвазига ёки қўрқув натижасида ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро муносабатда бўлишни истамаслиги оқибатида ёлғон кўрсатув берадиган гувоҳлардан ташқари, ўзига ҳос хулқ-атворига кўра ёлғон гувоҳлик берувчи шахслар ҳам учраб туради. Шундай бўлсада, гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув беришини барча сабабларини санаб ўтишнинг имкони йўқ. Ушбу сабаблар криминалистик ҳолатга қараб бошқа вазиятлар билан тўлдирилиши мумкин.

Яна бир эътибор қаратилиши лозим бўлган вазият гувоҳ ва унинг адвокати ёлғонни реал воқеаларга мослаштириш учун тил бириктириши ҳисобланади. Бу эса, алоҳида хавф туғдиради ва бундай ҳолларда, ёлғон далилларни тўғри кўрсатмалардан фарқлаш жуда қийин, баъзан эса имконсиз бўлади. Шундай экан, гувоҳнинг ёлғон кўрсатув бераётганига шубҳа қилинган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчи гувоҳнинг



кўрсатувларини ҳар бир деталигача атрофлича ва батафсил ўрганиб, унинг кўрсатувлари билан аниқланган фактлар ўртасидаги номувофиқликни аниқлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур таклиф ва тавсияларимиз суд-тергов органлари амалиётида гувоҳларнинг била туриб ёлғон кўрсатув беришлари билан боғлиқ жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларини тўғри ташкил этилишига, шунингдек, айбсиз шахсларни жиноий жавобгарликка тортилишини, аксинча, айбдор шахсларни жиноий таъқибдан қутулиб қолишини ҳамда ишни бошқача тарзда ноҳолисона ҳал этилишини олдини олишга хизмат қилади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 06.06.2023 й)
2. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик (жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар) – Т.: ЎЗР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. –Б. 4,28.
3. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Sabab\\_va\\_oqibat](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sabab_va_oqibat) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.06.2023).
4. Мисник И. В., Данеев А. В. Ложные показания свидетеля: мотивы и тактика изобличения // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lozhnye-pokazaniya-svidetelya-motiv-y-i-taktika-izoblicheniya> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.06.2023).
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2016-2018. – Б. 408.
6. Щукин В. И. Защита доказательств: моногр. — Белгород: Образоват. учр. высш. проф. образования Центросоюза Рос. Федерации «Белгор. ун-т потребит. Кооперации», 2006. — 89 с.
7. Сергеев В. В. О некоторых аспектах преодоления противодействия допросу на стадии предварительного расследования // Белгородские криминалистические чтения: сб. науч. тр. — 2019. — С. 161—167.
8. Зеленский М. А., Скоморохов О. Н. Особенности допроса при расследовании преступлений, совершенных группой лиц // Проблемы правоохранительной деятельности. — 2013. — № 2. — С. 64—67.
9. Чиненов Е. В., Щукин В. И. Особенности тактики допроса при расследовании экономических преступлений в сфере железнодорожного транспорта // Вестник Воронежского института МВД России. — 2019. — № 2. — С. 256—262.
10. Карнаухова О.Г. К вопросу о классификации мотивов заведомо ложных показаний свидетелей и потерпевших// URL: <http://yurpsy.com/files/xrest/3/57.htm> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 12.06.2023).